
НАРГИЗА - РЕСПУБЛИКАДА ҒОЛИБ

Хабарингиз бор ўтган ойда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда “Ижодий-маданий масалалар бўйича энг фаол тарғиботчи” республика танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтган. Унда туман ХТБ га қарашли 50-умумтаълим мактаби ижодий -маданий масалалар бўйича тарғиботчиси Наргиза Ўринова биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг республика босқичига йўлланма олган эди. Республика босқичида вилоят шаънини ҳимоя қилган Наргизахон Ўринова учинчи ўринни қўлга киритди. Ғалаба муборак, Наргизахон!!!

2022-05-19 15:41:40